ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ МУЗАФФАР МУХАММАДЖАНОВИЧ

СТАТИСТИК МЕХАНИКАНИНГ КЭЛИ ДАРАХТИДА БЕРИЛГАН КЛАССИК МОДЕЛЛАРИ УЧУН КУЧСИЗ ДАВРИЙ ГИББС ЎЛЧОВЛАР ВА АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ МУЗАФФАР МУХАММАДЖАНОВИЧ

СТАТИСТИК МЕХАНИКАНИНГ КЭЛИ ДАРАХТИДА БЕРИЛГАН КЛАССИК МОДЕЛЛАРИ УЧУН КУЧСИЗ ДАВРИЙ ГИББС ЎЛЧОВЛАР ВА АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./FM2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Розиков Уткир Абдуллоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Гринив Остап Олегович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Рахимов Абдуғофур Абдумажидович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2017 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

В.И.Чилин
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда физика, биология, термодинамика, статистик механика ва бошқа шу каби фанлардаги фазавий ўтишлар назарияси масалаларига келади. Фазавий ўтишлар назарияси эса ўз навбатида Гиббс ўлчовлари назарияси билан узвий боғланишга эга. Доимий ҳарорат сақланадиган ва атроф-муҳит билан иссиқлик мувозанатида бўлган системалар учун америкалик олим Дж.У.Гиббс томонидан каноник Гиббс тақсимоти яратилган. Гиббс ўлчовлари назарияси ўлчовлар назариясининг нисбатан янги соҳаси бўлиши билан бир қаторда статистик механика ва Евклид квант назариясини ўрганишнинг асосий объектидир. Статистик механиканинг классик моделлари учун Гиббс ўлчовларини таснифлаш мураккаблиги, уларнинг мавжудлигини текшириш етарли даражада шаклланмаганлиги сабабли ушбу ўлчовларга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиқига эга бўлган йўналишларга эътибор кучайтирилди, хусусан, статистик механиканинг классик (Изинг, Поттс, SOS, HC, λ-моделлар ва бошқа) моделлари учун лимит Гиббс ўлчовларини тадқиқ қилиш, трансляцион-инвариант ва даврий ўлчовларни мавжудлигини аниқлаш усулларини топишга алоҳида эътибор қаратилди. Классик моделлар учун трансляцион-инвариант ва даврий лимит Гиббс ўлчовларини таснифлашда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида илмий-тадқиқот ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этиш маханизмларидан иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жахонда Марков тасодифий майдонлар назарияси ва бу назариянинг рекуррент тенгламалари усулларидан фойдаланиб, П.М.Блехер, Н.Ганиходжаев, С.Заҳари, Ф.Спитцер, Ю.Сухов, У.Розиков ва бошқалар томонидан Кэли дарахтида статистик механиканинг моделлари ўрганилган, даврий Гиббс ўлчовлар тўплами баён этилган. Бундай ўлчовлар фақат трансляцион-инвариант ёки даври иккига тенг бўлган даврий ўлчовлар бўлиши исботланган. Даврийликдан кўра умумий бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчови ва кучсиз даврий асосий ҳолат тушунчалари киритилди. Кэли дарахтида статистик механиканинг моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлар тўплами, асосий ҳолатларни тадқиқ қилиш ва амалиётга татбиқ этиш мухим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: статистик механиканинг классик моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини мавжудлигини текшириш, яъни фазавий ўтиш содир бўлишини аниқлаш; статистик механиканинг классик моделлари учун кучсиз даврий асосий ҳолатларнинг тўпламини топиш ва уларни таснифлаш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1]

Гиббс ўлчовлари назарияси йўналишида, хусусан, панжараларда аниқланган статистик механиканинг классик моделлари учун Гиббс ўлчовлари ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия фанлар академиясининг ахборотларни узатиш муаммолари институти, Россия фанлар академияси Математика институти, Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети (Россия); Institut des Hautes Etudes Scientifiques (Bures-sur-Yvette, France); Abdus Salam International Center for Theoretical Physics (Triest, Italy); Париж университети (Франция); Женева университети (Швейцария); Бонн университети, Амалий математика институти, Рур университети (Германия); Авейру университети (Португалия); Кюсю университети (Япония); Кембридж университети, Лафборо университети, School of Mathematics, University of Leeds (Буюк Британия); International Islamic University of Malaysia (Малайзия); Zirve university, Harran university (Туркия) да олиб борилмоқда.

Статистик механиканинг кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини таснифлашга бағишланган жаҳон миқёсидаги илмий изланишлар натижасида бир қатор долзарб масалалар ечилган, хусусан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Кэли дарахтида Изинг модели учун озод энергияни ҳисоблашнинг

---

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: онлайн библиотека, http://brats.mkt-stroy.ru/lirika/lib-238; Journal of Annals of Probability https://projecteuclid.org/euclid.aop/1176993439 ; Publ. RIMS, Kyoto Univ. https://www.jstage.jst.go.jp/article/kyotoms1969/13/2/13_2_335/_pdf; de Gruyter Studies in Mathematics, 9. Walter de Gruyter, Berlin https://www.degruyter.com/view/books; World scientific. Singapore/ http://www.worldscientific.com/doi/abs/10.1142/S0129055X1330001X; Cambridge University Press, 2017/ http://www.unige.ch/math/folks/velenik/smbook

умумий формуласи топилган ва маълум Гиббс ўлчовлари учун озод энергиялар ҳисобланган (Universites Aix-Marseille et Sud Toulon-Var); Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ва чегаравий шартлар ўртасидаги боғланиш топилган (Universites Aix-Marseille et Sud Toulon-Var); $(k_0)-$трансляцион-инвариант бўлган Гиббс ўлчовлари топилган (International Islamic University of Malaysia).

Дунёда бугунги кунда статистик механиканинг моделлари учун лимит Гиббс ўлчовларини таснифлаш бўйича бир қатор, жумладан, Марков тасодифий майдонлар назарияси ва бу назариянинг рекуррент тенгламалари усулларидан фойдаланган ҳолда муайян жараённи янада мутаносиб равишда ўзида акс эттирувчи математик моделларни яратиш ва уларни ифодаловчи масалаларни ечиш; спин қийматлари сони чекли ёки саноқли бўлган моделлар учун даврий, кучсиз даврий ва бошқа Гиббс ўлчовларининг мавжудлик шартларини топиш; Изинг ва Поттс моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини таснифлаш ва бу ўлчовлар тўпламининг структурасини таҳлил қилиш; фазавий ўтишлар ҳамда асосий ҳолатларни топиш алгоритмини тузиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дж.У.Гиббс томонидан каноник Гиббс тақсимоти яратилган бўлишига қарамай, биринчи бўлиб Гиббснинг лимит ўлчовлари умумий ҳарактеристикаси Р.Л.Добрушин, О.Лэнфорд ва Д.Рюэлларнинг ишларида келтирилган. Р.Л.Добрушин томонидан лимит Гиббс ўлчовининг мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган. Фаза алмашишларнинг асосий назарияси эса С.А.Пирогов ва Я.Г.Синай ишларида ёритилган. Кэли дарахтида Изинг модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари К.Престон, Ф.Спитцер, П.М.Блехер, Ж.Руиз, В.Загребнов ва Д.Иоффелар томонидан ўрганилган. П.М.Блехер ва Н.Н.Ганиходжаевларнинг илмий мақолаларида континуумта Гиббс ўлчовлари мавжудлиги кўрсатилган.

Д.Гандолфо, Ж.Руиз, К.Кулске, П.М.Блехер, Дж.Либовиц, Е.Презутти, Ю.М.Сухов, Н.Н.Ганиходжаев, У.А.Розиков, Ф.Мухаммедов, Н.М.Хатамов, Р.М.Хакимов ва бошқаларнинг илмий ишларида Марков тасодифий майдонлар назарияси ва бу назариянинг рекуррент тенгламалари усулларидан фойдаланиб Гиббс ўлчовлари ўрганилган. У.А.Розиков, К.Кулске и Р.М.Хакимовларнинг ишларида Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари таснифланган. У.А.Розиков, К.Кулске ишларида эса Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари четки бўлишлиги ўрганилган.

У.А.Розиков, Ф.М.Мухаммедов, Г.И.Ботиров, Н.М.Хатамовларнинг илмий ишларида Кэли дарахтида контур усул (Пирогов-Синай назарияси) ривожлантирилган. Бу усул билан Кэли дарахтида етарлича кенг синфдаги Гамильтонианлар учун бир хил бўлмаган Гиббс ўлчовлари мавжудлиги кўрсатилган. У.А.Розиков, Х.Акин, С.А.Темурларнинг илмий ишларида Кэли дарахтидаги Изинг модели учун аввалдан маълум бўлган ўлчовлардан фарқли лимит Гиббс ўлчовлари тўплами қурилган. Д.Гандолфо, Ж.Руиз, У.А.Розиков, Ф.Х.Хайдаровларнинг ишларида эса Кэли дарахтида аниқланган, озод энергияси мавжуд бўлмайдиган Гиббс ўлчови мавжудлиги кўрсатилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг Ф4-ФА-Ф013 «Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга татбиқлари» (2012-2016 йиллар) ва ЁФ-4-3+ЁФ-4-4 «Саноқли графларда спин системаларнинг эҳтимоллик ўлчовлари ва Ли алгебраларнинг тасвирлари ёрдамида ҳосил қилинувчи Лейбниц алгебралари» (2016-2017 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кэли дарахтида Изинг ва Поттс моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари ҳамда асосий ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш, (кучсиз) даврий бўлмаган лимит Гиббс ўлчовлари синфини топиш, Изинг ва Поттс моделлари учун озод энергияларни ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Кэли дарахтида аниқланган Изинг ва Поттс моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини топиш;

Кэли дарахтида аниқланган ташқи майдонли Изинг модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжудлигини аниқлаш;

Изинг модели учун (кучсиз) даврий бўлмаган Гиббс ўлчовларини қуриш;

Рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг ва Поттс моделлари учун кучсиз даврий асосий ҳолатларни тадқиқ этиш;

Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ва чегаравий шартлар ўртасидаги боғланишларни топиш;

Изинг ва Поттс моделлари учун озод энергияларни ҳисоблашнинг умумий формулаларини топиш ва маълум чегаравий шартлар учун уларни ҳисоблаш;

Тадқиқотнинг объекти Изинг ва Поттс моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари, кучсиз даврий асосий ҳолатлар, озод энергия, чегаравий шартлар, $(k_0)-$трансляцион-инвариант ва даврий Гиббс ўлчовларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети индекси икки ва тўртга тенг бўлган нормал бўлувчилар учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлар, даврий ва кучсиз даврий асосий ҳолатлар, Изинг ва Поттс моделларининг маълум ўлчовлари учун озод энергиялар, Кэли дарахтидаги Поттс модели трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учун чегаравий шартлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ўлчовлар назарияси ва қисқартириб акслантириш усуллари, ночизиқли динамик системалар назарияси, Марков тасодифий майдонлар назарияси ва бу назариянинг рекуррент тенгламалари ҳамда Пирогов-Синай назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Нормал бўлувчи индекси тўртга тенг бўлган ҳолда, Изинг модели учун параметрларга баъзи шартлар асосида, камида 7 та кучсиз даврий Гиббс ўлчови мавжудлиги исботланган;

(k_0)-даврий (трансляцион-инвариант) Гиббс ўлчовлари тушунчаси киритилган ва бундай ўлчовлар мавжудлиги исботланган;

Изинг ва Поттс моделлари учун озод энергияларни ҳисоблашнинг умумий формуласи топилган ҳамда маълум чегаравий шартлар учун озод энергиялар ҳисобланган. Шунингдек, ушбу озод энергиялар кучсиз даврий Гиббс ўлчовининг чегаравий шартларидан фарқлилари ўзаро тенг бўлиши исботланган;

Индекси иккига тенг бўлган нормал бўлувчига нисбатан Кэли дарахтида антиферромагнит Поттс модели учун маълум шартлар бажарилганда 2^q-2 та кучсиз даврий лимит Гиббс ўлчовлари мавжудлиги исботланган;

Ферромагнит Поттс модели учун маълум шартларда камида иккита кучсиз даврий (даврий бўлмаган) лимит Гиббс ўлчовлари мавжудлиги исботланган;

Ташқи майдонли Поттс модели учун топилган шартлар бажарилганда камида иккита кучсиз даврий (даврий бўлмаган) лимит Гиббс ўлчовлари мавжудлиги исботланган;

Трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чегаравий шартлар (конфигурациялар) билан боғлиқлиги топилган. Трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учун чегаравий конфигурациялар қурилган;

Кэли дарахтида аниқланган рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг модели учун тўртта кучсиз даврий асосий ҳолатлар мавжуд бўлишининг (дарахт тартиби k га ва индекси икки ҳамда тўрт бўлган нормал бўлувчилар параметрларига) зарур ва етарли шартлари топилган.

Тартиби $k \geq 1$ бўлган Кэли дарахтида аниқланган рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг моделининг ихтиёрий (чекли индексли) нормал бўлувчига нисбатан кучсиз даврий конфигурацияси асосий ҳолат бўлишининг зарур ва етарли шарти топилган.

Кэли дарахтида рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Поттс моделининг даврий ва кучсиз даврий асосий ҳолатлари мавжуд бўлиши учун (панжара тартиби $k \geq 2$ ва индекси икки ҳамда тўрт бўлган нормал бўлувчи параметрларига) зарур ва етарли шартлар топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Гиббс ўлчовлари сони ўзгарадиган моделлар учун параметрларнинг фазавий ўзгаришларини таъминлайдиган аниқ ёки тақрибий қийматларини аниқланганлигидан, Изинг ва Поттс моделлари учун асосий ҳолатларнинг тўлиқ таснифидан ҳамда баъзи моделлар учун озод энергияларни ҳисоблашнинг асосий формулалари топилганлидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Контурлар усули ва ўлчовлар назариясининг фундаментал натижаларидан фойдаланилгани, параметрлар фиксирланган ҳолда фазавий ўтиш учун топилган критик қийматлар ҳақидаги тасдиқлар натижалари математик программалаштириш тилидаги Mathematica 7 ва Maple 15 программалари ёрдамида текширилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физиканинг панжарали системаларида Гиббс ўлчовлари ва асосий ҳолатларни топиш орқали термодинамик хоссаларни ўрганишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари ва асосий ҳолатларига оид натижалар, физик системанинг фазавий алмашиши мавжудлигини текширишда асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Кэли дарахтидаги панжарали моделлар учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжудлигини текшириш ва уларнинг сонини аниқлаш усуллари FRGS 14-116-0357 грант лойиҳасида панжараларда аниқланган учта яқин қўшниларигача рақобатлашувчи дарахтнинг ҳар хил тармоқларига тегишли моделларнинг фазавий ўтишларини аниқлашда фойдаланилган (Малайзия Халқаро Ислом университетининг 2016 йил 26 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши параметрларни янги шартлари асосида кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжудлиги ва фазавий ўтиш содир бўлишини аниқлаш имконини берган;

Кэли дарахтида Изинг ва Поттс моделларининг кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари ва озод энергиясига ҳамда Изинг модели озод энергиясига бағишланган натижалари «Centre de Physique Théorique Universités Aix-Marseille et Sud Toulon-Var» маркази олимлари томонидан Лобачевский текислигида Изинг модели тоза Гиббс ҳолатларини тадқиқ қилишда ва бу моделнинг баъзи алтернатив Гиббс ўлчовларини қуришда фойдаланилган (Марсель (Франция) университетининг 2017 йил 5 сентябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши комбинаторика, статистик механика, телекоммуникация ва фазавий ўтишлар масаларини ечиш имконини берган;

тўртинчи тартибли Кэли дарахтида Изинг модели учун параметрларнинг маълум шартлари бажарилганда кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари таснифланиши хорижий илмий журналларда (Communications in Mathematical Physics, 2015; Journal of Statistical Physics, 2012; Journal of Statistical Physics, 2016) Кэли дарахтида янги Гиббс ўлчовларини тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши Кэли дарахтида янги Гиббс ўлчовларини топишда ва Гиббс ўлчовларига ўхшаш ўлчовларни қуришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Изинг модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари»** деб номланувчи биринчи боби Кэли дарахтида индекси икки ва тўртга тенг бўлган нормал бўлувчига нисбатан Изинг модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги ҳамда ташқи майдонли Изинг модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжудлигини тадқиқ қилишга бағишланган. Бундан ташқари, Кэли дарахтида Изинг модели учун (k_0)-даврий Гиббс ўлчовлари тушунчаси киритилган ва бундай ўлчовлар мавжудлиги исботланган.

$T^k=(V,L),\ k\geq 1,\ k$-тартибли Кэли дарахти бўлсин, яъни ҳар бир учидан $k+1$ та қирра чиқувчи чексиз дарахт бўлсин, бу ерда V- учлар тўплами, L- қирралар тўплами.

Маълумки, T^k- Кэли дарахтини, ҳосил қилувчилари мос равишда $a_1,a_2,...,a_{k+1}$ бўлган $k+1$ та иккинчи тартибли циклик группаларнинг озод кўпайтмаси шаклида тасвирлаш мумкин.

$\Phi=\{-1,1\}$ ва $\sigma\in\Omega=\Phi^V$ −конфигурация бўлсин, яъни $\sigma=\{\sigma(x)\in\Phi: x\in V\}$. Изинг моделининг гамильтонианини кўрайлик

$$H(\sigma)=-J\sum_{<x,y>\in L}\sigma(x)\sigma(y), \tag{1}$$

бу ерда $J\in R,\ <x,y>$ - энг яқин қўшнилар.

Маълумки, Изинг моделининг ҳар бир Гиббс ўлчови учун қуйидаги шартни қаноатлантирувчи $h=\{h_x, x\in G_k\}$ қийматлар тўпламини мос қўйиш мумкин

$$h_x = \sum_{y\in S(x)} f\left(h_y, \theta\right), \qquad (2)$$

бу ерда $S(x)$ - «тўғри авлодлар» тўплами, $x\in V$ ва $f(x,\theta)=arcth(\theta\, th\, x)$, $\theta = th(J\beta)$, $\beta=\dfrac{1}{T}$, $T>0$ температура.

Ихтиёрий $x\in G_k$ учун $x_{\downarrow} = \{y\in G_k :< x, y >\}\setminus S(x)$ белгилаш киритамиз.

$G_k/\overline{G_k} = \{H_1, H_2, \ldots, H_r\}-$фактор-группа бўлсин, бу ерда $\overline{G_k}-$индекси $r\geq 1$ бўлган нормал бўлувчи.

Таъриф 1. Агар ихтиёрий $x\in G_k$, $y\in\overline{G_k}$ лар учун $h_{xy}=h_x$ бўлса, у ҳолда $h=\{h_x, x\in G_k\}$ қийматлар мажмуи $\overline{G_k}$- даврий дейилади. G_k - даврий қийматлар мажмуи трансляцион-инвариант дейилади.

Таъриф 2. Агар ихтиёрий $x\in H_i$, $x_{\downarrow}\in H_j$ лар учун $h_x=h_{ij}$ бўлса, яъни h_x нинг қиймати x ва $x_{\downarrow}$ лар тегишли бўлган синфларга боғлиқ бўлса, у ҳолда $h=\{h_x, x\in G_k\}$ қийматлар мажмуи $\overline{G_k}$ - кучсиз даврий дейилади.

Таъриф 3. Агар μ ўлчов $\overline{G_k}$ - (кучсиз) даврий h қийматлар мажмуига мос келса, у ҳолда бу ўлчов $\overline{G_k}$ - (кучсиз) даврий деб аталади.

Нолга тенг ташқи майдонли Изинг моделини кўрайлик. Қуйидагича белгилашлар қиламиз $\alpha=\dfrac{1-\theta}{1+\theta}$, $I_3=\{h\in R^4 : h_1=-h_4; h_2=-h_3\}$.

$\varnothing \neq A\subseteq N_k=\{1,2,\ldots,k+1\}$ ва $H_A=\{x\in G_k : \sum_{i\in A} w_x(a_i)-$жуфт$\}$ бўлсин, бу ерда $w_x(a_i)-$ $x\in G_k$ сўздаги a_i лар сони.

Теорема 1. $|A|=k$, $\alpha>1$ бўлсин.

1) $k\leq 3$ бўлса, I_3 тўпламда барча H_A-кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари трансляцион-инвариант бўлади.

2) $k=4$ бўлса, шундай $\alpha_{cr}(\approx 6{,}3716)$ критик миқдор мавжудки $\alpha<\alpha_{cr}$ бўлганда I_3 тўпламда ягона H_A- кучсиз даврий Гиббс ўлчови мавжуд; $\alpha=\alpha_{cr}$ бўлганда I_3 тўпламда учта H_A- кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд; $\alpha>\alpha_{cr}$ бўлганда I_3 тўпламда бешта H_A- кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд.

$H_{\{a_1\}}=\{x\in G_k : w_x(a_1)-$жуфт$\}$, $G_k^{(2)}=\{x\in G_k : |x|-$жуфт$\}$ бўлсин ва $G_k^{(4)}=H_{\{a_1\}}\cap G_k^{(2)}-$индекси тўртга тенг нормал бўлувчи бўлсин.

$G_k^{(4)}$ – индекси тўртга тенг нормал бўлувчи учун $G_k^{(4)}$-кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари таснифланган.

Теорема 2. Агар $k=4$ бўлса, шундай $\alpha_{cr}\approx 0{,}152$ ва $\alpha_c=3/5$ критик миқдорлар мавжудки:

1) Агар $\alpha\in[0,\alpha_{cr})\cup(\alpha_{cr}^{-1},+\infty)$ бўлса, камида еттита $G_k^{(4)}$- кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд.

2) Агар $\alpha \in \{\alpha_{cr}, \alpha_{cr}^{-1}\}$ бўлса, у ҳолда камида бешта кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд.

3) Агар $\alpha \in (\alpha_{cr}, \alpha_c) \cup (\alpha_c^{-1}, \alpha_{cr}^{-1})$ бўлса, у ҳолда камида учта Гиббс ўлчовлари мавжуд.

4) Агар $\alpha \in [\alpha_c, \alpha_c^{-1}]$ бўлса, у ҳолда камида битта Гиббс ўлчови мавжуд бўлади.

Энди ташқи майдонли антиферромагнит Изинг моделини, яъни $\alpha > 1$ $(\theta < 0)$ бўлган ҳолни кўрайлик. (2) тенгламадан трансляцион-инвариант қийматлар мажмуи учун қуйидаги тенгламани оламиз

$$h = \lambda\beta + kf(h,\theta) \tag{3}$$

Қуйидагича белгилашлар қиламиз: $\alpha = \dfrac{1-\theta}{1+\theta}$, $z = e^{2h}$, $a = e^{2\lambda\beta}$, $\varphi(x) = \dfrac{x+\alpha}{\alpha x+1}$.

У ҳолда (3) тенглама қуйидаги тенгламага келади:

$$z = a(\varphi(z))^k. \tag{4}$$

Маълумки, ташқи майдонли антиферромагнит Изинг модели учун ягона трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови мавжуд бўлиб, у (4) тенгламанинг ягона ечимига мос келади, мазкур ечимни z_* билан белгилайлик.

Қуйидаги теорема исботланди:

Теорема 3. Агар ташқи майдонли антиферромагнит Изинг модели учун $|A| = k,\ k \geq 6$ ва $\lambda \in (\lambda_1, \lambda_2)$ бўлса, у ҳолда камида иккита H_A- кучсиз даврий (даврий бўлмаган) Гиббс ўлчовлари мавжуд бўлади, бу ерда $\lambda_{1,2} = \dfrac{1}{2k\beta}\ln b_{1,2}$ ва

$$b_1 = \frac{(k-1-\sqrt{k^2-6k+1})(\alpha z_* + 1)^2}{2(\alpha^2-1)z_*^{\frac{k-1}{k}}}, \quad b_1 = \frac{(k-1+\sqrt{k^2-6k+1})(\alpha z_* + 1)^2}{2(\alpha^2-1)z_*^{\frac{k-1}{k}}}.$$

Биринчи бобнинг бешинчи параграфининг асосий натижасини келтирамиз.

Ташқи майдон нолга тенг бўлганда трансляцион-инвариант қийматлар мажмуи h учун (2) тенглама қуйидаги кўринишда бўлади

$$h = kf(h,\theta),\ 0 < \theta < 1. \tag{5}$$

Маълумки, (5) тенглама $0 < \theta \leq \theta_c = \dfrac{1}{k}$ бўлса, ягона $h = 0$ ечимга, $\theta_c < \theta < 1$ бўлса, учта $h = 0,\ \pm h_*^{(k)},\ \ h_*^{(k)} > 0$ ечимларга эга бўлади.

$k \geq 2,\ k_0 \geq 2$ лар шундай бўлсинки, $(k - k_0) -$жуфт ва мусбат бўлсин. $x \in V$ учун $S_{k_0}(x) -$билан $S(x)$ тўпламни ихтиёрий k_0 та учлари жамланмасини белгилайлик, қолган $k - k_0$ учлар тўламини эса $S_{k-k_0}(x)$ билан белгилайлик.

Дарахт тартиби k бўлганда $h=\{h_x, x\in V\}$, $h_x\in\{-h_*, h_*\}$ қийматлар мажмуини қуйидагича қурамиз:

(a_1) Агар x учда $h_x=h_*$ бўлса, у ҳолда $S_{k_0}(x)$ га тегишли барча учларга h_* қийматни жойлаштирамиз, $S_{k-k_0}(x)$ га тегишли ҳар бир учга эса h_* ва $-h_*$ қийматлардан бирини шундай қўямизки,

$$\sum_{y\in S_{k-k_0}(x)} f(h_y,\theta)=0,$$

тенглик ўринли бўлсин, яъни $S_{k-k_0}(x)$ тўпламга тегишли учларни ярмига h_* қийматни, қолган ярмига эса $-h_*$ қийматни қўямиз.

(a_2) Агар x учда $h_x=-h_*$, бўлса, у ҳолда $S_{k_0}(x)$ га тегишли барча учларга $-h_*$ қийматни жойлаштирамиз, $S_{k-k_0}(x)$ га тегишли ҳар бир учга эса h_* ва $-h_*$ қийматлардан бирини шундай қўямизки,

$$\sum_{y\in S_{k-k_0}(x)} f(h_y,\theta)=0,$$

тенглик ўринли бўлсин.

(a_1), (a_2) қонуният билан қурилган h қийматлар мажмуига мос ўлчовни (k_0)-трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови деб атаймиз.

Энди антиферромагнит Изинг моделини кўрайлик (яъни $J<0$).

k_0 тартибли Кэли дарахтида ихтиёрий $G^{(2)}_{k_0}$-даврий қийматлар мажмуи $h=\{h_x, x\in V\}$ қуйидаги кўринишда бўлиб

$$h_x=\begin{cases} u, & \text{агар } x\in G_k^{(2)} \\ v, & \text{агар } x\in G_k\setminus G_k^{(2)}, \end{cases}$$

бу ерда (u, v) жуфтлик қуйидаги тенгламалар системасини қаноатлантиради:

$$\begin{cases} u=k_0 f(v,\theta) \\ v=k_0 f(u,\theta). \end{cases} \qquad (6)$$

Эслатиб ўтамизки, агар $-1<\theta<-\theta_c$ бўлса, (6) тенгламалар системаси $h_*^{\mp}=(-h_*,h_*), h_*^0=(0,0), h_*^{\pm}=(h_*,-h_*)$ кўринишдаги учта ечимга эга бўлар эди. $h_*^{\mp}$ лар ёрдамида (2) функционал тенгламанинг ечимини қурайлик.

$h=\{h_x, x\in V\}$ (бу ерда $h_x\in\{-h_*,h_*\}$) қийматлар мажмуини қуйидагича қурамиз:

(a_3) Агар x учда $h_x = h_*$ бўлса, у ҳолда $S_{k_0}(x)$ га тегишли барча учларга $-h_*$ қийматни жойлаштирамиз, $S_{k-k_0}(x)$ га тегишли ҳар бир учга эса h_* ва $-h_*$ қийматлардан бирини шундай қўямизки,

$$\sum_{y\in S_{k-k_0}(x)} f(h_y,\theta)=0,$$

тенглик ўринли бўлсин.

(a_4) Агар x учда $h_x = -h_*$ бўлса, у ҳолда $S_{k_0}(x)$ га тегишли барча учларга h_* қийматни жойлаштирамиз, $S_{k-k_0}(x)$ га тегишли ҳар бир учга эса h_* ва $-h_*$ қийматлардан бирини шундай қўямизки,

$$\sum_{y\in S_{k-k_0}(x)} f(h_y,\theta)=0,$$

тенглик ўринли бўлсин.

(a_3), (a_4) қонуният билан қурилган h қийматлар мажмуига мос ўлчовни (k_0)-даврий Гиббс ўлчови деб атаймиз.

Қуйидагича белгилаш қилайлик $T_{c,k_0} = \dfrac{J}{arcth(1/k_0)}$

Теорема 4. $k \ge 2,\, k_0 \ge 2$ лар шундай бўлсинки, $(k-k_0)-$жуфт ва мусбат бўлсин ҳамда $T < T_{c,k_0}$ бўлсин. У ҳолда k-тартибли Кэли дарахтида ферромагнит (антиферромагнит) Изинг модели учун аниқ иккита $(k_0)-$трансляцион-инвариант (даврий) Гиббс ўлчови мавжуд бўлади.

Диссертациянинг **«Поттс модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари»** деб номланувчи иккинчи боби нолга тенг бўлган ва нолга тенг бўлмаган ташқи майдонли Поттс моделлари учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари, Кэли дарахтида Поттс модели трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учун чегаравий шартлар топилган.

Спин қийматлари $\Phi = \{1,2,\ldots,q\}$, $(q \ge 2)$ тўпламга тегишли бўлган ва дарахт учларида жойлашган моделни қарайлик. У ҳолда V тўпламда σ конфигурация қуйидагича $x \in V \to \sigma(x) \in \Phi$ аниқланади.

α ташқи майдонли Поттс моделининг гамильтониани ушбу

$$H(\sigma) = -J\sum_{\langle x,y\rangle\in L}\delta_{\sigma(x)\sigma(y)} - \alpha\sum_{x\in V}\delta_{1\sigma(x)},$$

формула ёрдамида аниқланади, бунда $J,\alpha \in R$, $<x,y>$ – яқин қўшнилар ва δ_{ij} –Кронекер символи.

Маълумки, ташқи майдонли Поттс моделининг ҳар бир Гиббс ўлчовига қуйидаги тенгликни қаноатлантирувчи $h=\{h_x, x\in G_k\}$ векторлар мажмуини мос қўйиш мумкин

$$h_x = \sum_{y\in S(x)} F(h_y,\theta,\alpha), \tag{7}$$

бу ерда $F: h=(h_1,\ldots,h_{q-1})\in R^{q-1} \to F(h,\theta,\alpha)=(F_1,\ldots,F_{q-1})\in R^{q-1}$ қуйидагича аниқланади:

$$F_i = \alpha\beta\delta_{1i} + \ln\left(\frac{(\theta-1)e^{h_i}+\sum_{j=1}^{q-1}e^{h_j}+1}{\theta+\sum_{j=1}^{q-1}e^{h_j}}\right),$$

ва $\theta=\exp(J\beta)$.

1-3 Таърифларни векторлар учун ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида ноль ташқи майдонли Поттс модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари таснифланган.

Нормал бўлувчи H_A, $A\subseteq N_k$ учун қуйидаги теорема исботланди:

Теорема 5. $|A|=k$ ва $k\geq 6$ бўлсин. Агар қуйидаги шартларнинг бири бажарилса,

1) $\dfrac{4k}{k+1+\sqrt{k^2-6k+1}} \leq q < \dfrac{4k}{k+1-\sqrt{k^2-6k+1}}$ и $0<\theta<\theta_2$;

2) $q \leq \dfrac{4k}{k+1+\sqrt{k^2-6k+1}}$ и $\theta_1<\theta<\theta_2$,

у ҳолда камида 2^q-2 та H_A-кучсиз даврий (даврий бўлмаган) Гиббс ўлчовлари мавжуд бўлади, бу ерда

$$\theta_1 = \frac{4k-kq-q-q\sqrt{k^2-6k+1}}{4k}, \quad \theta_2 = \frac{4k-kq-q+q\sqrt{k^2-6k+1}}{4k}.$$

Теорема 6. $|A|=1$, $k\geq 6$ ва $q\geq 3$ бўлсин. У ҳолда ферромагнит Поттс модели учун шундай θ_1, θ_2 критик қийматлар мавжуд бўлиб, $\theta\in(\theta_1,\theta_2)$ бўлганда камида иккита H_A-кучсиз даврий (трансляцион-инвариант бўлмаган) Гиббс ўлчовлари мавжуд, бу ерда

$$\theta_1 = \frac{4-3q+qk-q\sqrt{k^2-6k+1}}{4}, \; \theta_2 = \frac{4-3q+qk+q\sqrt{k^2-6k+1}}{4}.$$

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ноль бўлмаган ташқи майдонли Поттс модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжудлиги исботланган.

Теорема 7. $|A|=k,\ k\geq 6$ бўлсин. Агар $\alpha\in(\alpha_1,\alpha_2)$ бўлса, ташқи майдонли антиферромагнит (яъни $0<\theta<1$) Поттс модели учун камида иккита H_A-кучсиз даврий (даврий бўлмаган) Гиббс ўлчовлари мавжуд бўлади, бу ерда $\alpha_i = kT\ln b_i$, $T-$ температура ва

$$b_1 = \frac{(k-1-\sqrt{k^2-6k+1})(1-\theta)(\theta+q-1)z_*^{\frac{k-1}{k}}}{2(\theta+q-2+z_*)^2},$$

$$b_2 = \frac{(k-1+\sqrt{k^2-6k+1})(1-\theta)(\theta+q-1)z_*^{\frac{k-1}{k}}}{2(\theta+q-2+z_*)^2}.$$

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида Кэли дарахтида Поттс моделининг трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учун чегаравий шартлар топилди.

ω конфигурация ушбу $c^l(\omega) = \sum_{s:t\to_1 s}\delta_{l\omega(s)}$, $l=\overline{1,q}$ сон $t\in V\setminus\{0\}$га боғлиқ бўлмасин.

У.А.Розиков, Р.М.Хакимов, С.Кулскеларининг ишларида Поттс модели учун барча трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари (ТИГЎ) таснифланган. Хусусан, Поттс моделининг ихтиёрий Гиббс ўлчови қандайдир $m=1,\ldots,q-1$ учун қуйидаги тенгламанинг ечимига мос келиши кўрсатилган

$$h = f_m(h)\equiv k\ln\left(\frac{(\theta+m-1)e^h+q-m}{me^h+q-m-1+\theta}\right). \tag{8}$$

Қуйидагича белгилаш қилайлик $\theta_m = 1+2\sqrt{m(q-m)}$, $m=1,\ldots,q-1$. У.А.Розиков, Р.М.Хакимов, С.Кулскеларининг ишларида қуйидаги тасдиқ исботланган.

Тасдиқ 1. $k=2$, $J>0$ бўлсин.

1) Агар $\theta<\theta_1$ бўлса, у ҳолда ягона ТИГЎ мавжуд бўлади;

2) Агар қандайдир $m=1,\ldots,[\frac{q}{2}]-1$ учун $\theta_m<\theta<\theta_{m+1}$ бўлса, у ҳолда $1+2\sum_{s=1}^{m}C_q^s$ та ТИГЎ мавжуд бўлади ва улар (8) нинг $h_i\equiv h_i(\theta,s) = 2\ln[x_i(s,\theta)]$, $i=1,2$, $s=1,\ldots,m$ кўринишидаги ечимарига мос келади, бу ерда

$$x_1(s,\theta) = \frac{\theta-1-\sqrt{(\theta-1)^2-4s(q-s)}}{2s},\ x_2(s,\theta) = \frac{\theta-1+\sqrt{(\theta-1)^2-4s(q-s)}}{2s};$$

3) Агар $\theta_{[\frac{q}{2}]} < \theta \neq q+1$ бўлса, у ҳолда $2^q - 1$ та ТИГЎ мавжуд бўлади;

4) Агар $\theta = q+1$ бўлса, у ҳолда ТИГЎ сони қуйидагича аниқланади:

$$\begin{cases} 2^{q-1}, \text{ агар } q - \text{жуфт бўлмаса,} \\ 2^{q-1} - C_{q-1}^{\frac{q}{2}}, \text{ агар } q - \text{жуфт бўлса;} \end{cases}$$

5) Агар $\theta = \theta_m$, $m = 1, \ldots, [\frac{q}{2}]$, $(\theta_{[\frac{q}{2}]} \neq q+1)$ бўлса, у ҳолда ТИГЎ сони $1 + C_q^m + 2\sum_{s=1}^{m-1} C_q^s$ бўлади.

$\mu_0 \equiv \mu_0(\theta)$ билан $h_i \equiv 0$ ечимга мос ТИГЎ ни, $\mu_i \equiv \mu_i(\theta, m)$ билан $h_i(\theta, m)$, $i = 1,2$, $m = 1, \ldots, [q/2]$ ечимга мос ТИГЎ ни белгилайлик.

Берилган $m \in \{1, \ldots, [q/2]\}$ ва $J > 0$ лар учун қуйидаги конфигурациялар тўпламини киритайлик:

$\mathrm{B}_m = \{\omega \in \Omega : c^1(\omega) = \ldots = c^m(\omega),\ c^{m+1}(\omega) = \ldots = c^{q-1}(\omega) = c^q(\omega)\}$,

$\mathrm{B}_{m,0}^+ = \{\omega \in \mathrm{B}_m : c^1(\omega) > c^q(\omega)\}$, $\mathrm{B}_{m,0}^0 = \{\omega \in \mathrm{B}_m : c^1(\omega) = c^q(\omega)\}$,

$\mathrm{B}_{m,0}^- = \{\omega \in \mathrm{B}_m : c^1(\omega) < c^q(\omega)\}$, $\mathrm{B}_{m,1}^+ = \{\omega \in \mathrm{B}_m : J\left(c^1(\omega) - c^q(\omega)\right) > h_1\}$,

$\mathrm{B}_{m,1}^0 = \{\omega \in \mathrm{B}_m : J\left(c^1(\omega) - c^q(\omega)\right) = h_1\}$, $\mathrm{B}_{m,1}^- = \{\omega \in \mathrm{B}_m : J\left(c^1(\omega) - c^q(\omega)\right) < h_1\}$.

P^{ω} – чегаравий конфигурация ω орқали қурилган лимит Гиббс ўлчови бўлсин. Қуйидаги теоремада ҳар бир $h_i(\theta, m)$, $i = 1,2$, $m = 1, \ldots, [q/2]$ учун $\mu_i(\theta, m) = P^{\omega}$ бўладиган $\omega \in \Omega$ конфигурациялар топилди.

Теорема 8. 1) Агар қандайдир $m = 1, \ldots, [q/2]$ учун $\theta = \theta_m$ бўлса, у ҳолда

$$P^{\omega} = \begin{cases} \mu_1(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,1}^+ \cup \mathrm{B}_{m,1}^0 \\ \mu_0(\theta), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,1}^- \end{cases}$$

2) Агар $\theta_m < \theta < \theta_c = q+1$ бўлса, у ҳолда

$$P^{\omega} = \begin{cases} \mu_2(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,1}^+ \\ \mu_1(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,1}^0 \\ \mu_0(\theta), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,1}^- \end{cases}$$

3) Агар $\theta = \theta_c$ бўлса, у ҳолда

$$P^{\omega} = \begin{cases} \mu_2(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,0}^+ \\ \mu_0(\theta), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,0}^- \cup \mathrm{B}_{m,0}^0 \end{cases}$$

4) Агар $\theta > \theta_c$ бўлса, у ҳолда

$$P^{\omega} = \begin{cases} \mu_2(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,0}^+ \\ \mu_1(\theta, m), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,0}^- \\ \mu_0(\theta), & \text{агар } \omega \in \mathrm{B}_{m,0}^0. \end{cases}$$

Диссертациянинг **«Изинг ва Поттс моделлари учун озод энергиялар»** деб номланувчи учинчи боби, Изинг ва Поттс моделлари учун аввалдан маълум бўлган чегаравий шартларнинг озод энергияларини топишга бағишланган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида Кэли дарахти шарларида махсус қирралар зичликларининг аниқ кўринишлари олинди. Бу параграфнинг натижалари озод энергияларни ҳисоблашда фойдаланилди.

Учинчи бобнинг учинчи параграфининг асосий мақсади Кэли дарахтида Изинг модели учун озод энергия умумий формуласини топишдир.

Таъриф 4. (2) функционал тенгламани қаноатлантирувчи $h=\{h_x,\ x\in G_k\}$ чегаравий шарт мувофиқлашган дейилади.

Таъриф 5. Қуйидаги лимит (агар у мавжуд бўлса) h чегаравий шартларга мос озод энергия дейилади:

$$F(\beta,h)=-\lim_{n\to\infty}\frac{1}{\beta|V_n|}\ln Z_n(\beta,h).$$

Тасдиқ 2. Мувофиқлашган чегаравий шартлар учун озод энергия қуйидаги формула билан аниқланади

$$F(\beta,h)=-\lim_{n\to\infty}\frac{1}{|V_n|}\sum_{x\in V_n}a(x), \tag{9}$$

бу ерда $a(x)=\frac{1}{2\beta}\ln[4\cosh(h_x-\beta J)\cosh(h_x+\beta J)]$.

Трансляцион-инвариант (TI) чегаравий шарт учун озод энергия қуйидаги кўринишда бўлади:

$$F_{TI}(\beta,0)=-\frac{1}{\beta}\ln(2\cosh(\beta J)).$$

$$F_{TI}(\beta,h_*)=F_{TI}(\beta,-h_*)=-\frac{1}{2\beta}\ln[4\cosh(\beta J-h_*)\cosh(\beta J+h_*)].$$

Блехер-Ғанихўжаев чегаравий шартлари учун озод энергияни $F_{BG}(\beta,h^{\pi})$ билан белгилаймиз.

$$F_{BG}(\beta,h^{\pi})=\lim_{n\to\infty}\frac{1}{|V_n|}\sum_{x\in V_n}a(x)=\lim_{n\to\infty}\frac{1}{|V_n|}\left[(|V_n|-n)a_{TI}(x)+\frac{a(x_0)+a(x_1)+\ldots+a(x_n)}{|V_n|}\right]=$$
$$=\lim_{n\to\infty}\frac{1}{|V_n|}\left[(|V_n|-n)a_{TI}(x)\right]=F_{TI}(\beta,h_*).$$

Шунингдек Заҳари[1] чегаравий шарти учун озод энергия қуйидагича бўлиши кўрсатилди:

$$F_{Zach}(\beta, h^{(t)}) = F_{\text{T}I}(\beta, 0).$$

ART[2] конструкцияси учун мос озод энергия:

$$F_{\text{A}RT}(\beta, \widetilde{h}) = -\frac{1}{\beta}\ln[2\cosh(\beta J)] = F_{\text{T}I}(\beta, 0).$$

Даврий Гиббс ўлчови озод энергияси учун қуйидагига эгамиз:

$$F_{\text{P}er}(\beta, h_*^{(\pm)}) = -\frac{1}{2\beta}\ln[4\cosh(\beta J - h_*)\cosh(\beta J + h_*)] = F_{\text{T}I}(\beta, h_*).$$

Теорема 2 да олинган битта кучсиз даврий Гиббс ўлчови озод энергияси қуйидагича бўлади:

$$F_{\text{W}P}(\beta, h) = -\frac{1}{2\beta}\left\{\frac{4}{5}\ln[4\cosh(J\beta - h_1)\cosh(J\beta + h_1)] + \right.$$

$$\left. + \frac{1}{5}\ln[4\cosh(J\beta - h_2)\cosh(J\beta + h_2)]\right\}$$

Ушбу

$$F_{\text{T}I}(\beta, h_*) < F_{\text{W}P}(\beta, h) < F_{\text{T}I}(\beta, 0),$$

тенгсизлик ўринли экани исботланди.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида Кэли дарахтида Поттс модели учун озод энергиялар ҳисобланган.

Қуйидаги теорема Кэли дарахтида Поттс модели учун озод энергияларни ҳисоблаш формуласини беради.

Теорема 9. (7) шартни қаноатлантирувчи чегаравий шартлар учун озод энергия ушбу

$$E(\beta, h) = -\lim_{n\to\infty}\frac{1}{|V_n|}\sum_{x\in V_n} a(x), \tag{10}$$

формула билан аниқланади, бу ерда $a(x) = \dfrac{1}{q\beta}\sum_{i=1}^{q}\ln\left(\sum_{u=1}^{q}\exp\{(J\beta\sigma_i + h_x)\sigma_u\}\right).$

---

[1] H.O. Georgii (2011): Gibbs Measures and Phase Transitions, Second edition. de Gruyter Studies in Mathematics, 9. Walter de Gruyter, Berlin;

[2] Akin H., Rozikov U.A., Temur S. A new set of limiting Gibbs measures for the Ising model on a Cayley tree. // J.Stat.Phys. 2011, 142:314-321.

Поттс модели учун трансляцион-инвариант векторлар мажмуи h_x, яъни $h_x = h = (h_1, h_2, \ldots, h_{q-1}) \in R^{q-1}, \forall x \in G_k$ қарайлик. У ҳолда (7) дан қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$h_i = k \ln\left(\frac{(\theta-1)e^{h_i} + \sum_{j=1}^{q-1} e^{h_j} + 1}{\theta + \sum_{j=1}^{q-1} e^{h_j}} \right), \ i = 1, \ldots, q-1. \qquad (11)$$

Маълумки, (11) тенгламанинг ихтиёрий ечими, координаталар ўрин алмашиши аниқлигида $h = (\underbrace{h_*, h_*, \ldots, h_*}_{m}, 0, 0, \ldots, 0), \ m \geq 0$ кўринишда бўлади.

$m = 0$ бўлган ҳол. Бу ҳолда $h = h_0 = (0,0,\ldots,0) \in R^{q-1}$ бўлади. (10) дан

$$E_{TI}(\beta, h_0) = -J - \frac{1}{\beta} \ln\left(1 + (q-1)\exp\left(\frac{Jq\beta}{1-q} \right) \right),$$

эканини топамиз.

$m \neq 0$ бўлган ҳол. Биз томондан қуйидагича озод энергия олинди:

$$E_{TI}(\beta, m, h_x) = -\frac{q-m}{q\beta} \ln\left(m \cdot e^{\left(-\frac{J\beta}{q-1} + \frac{q-m}{q-1}h_*\right)} + e^{\left(J\beta - \frac{m}{q-1}h_*\right)} + (q-m-1) \cdot e^{\left(-\frac{J\beta}{q-1} - \frac{m}{q-1}h_*\right)} \right) -$$

$$- \frac{m}{q\beta} \ln\left((m-1) \cdot e^{\left(-\frac{J\beta}{q-1} + \frac{q-m}{q-1}h_*\right)} + e^{\left(J\beta + \frac{q-m}{q-1}h_*\right)} + (q-m) \cdot e^{\left(-\frac{J\beta}{q-1} - \frac{m}{q-1}h_*\right)} \right).$$

Кэли дарахтининг чексиз йўли π учун белгилаш қиламиз

$$\mathrm{W}_n^{\pi} = \{x \in W_n : x \prec x_n\},$$

бу ерда $n = 1, 2, \ldots$ ва $x \prec x_n$ – x учни π йўлнинг чап қисмида эканини англатади.

Лемма 1. Ихтиёрий π учун қуйидаги лимит мавжуд бўлади:

$$\lim_{n \to \infty} \frac{|\mathrm{W}_n^{\pi}|}{|W_n|} = a^{\pi}.$$

Н.Н.Ганихўжаев томонидан қурилган векторлар мажмуи учун озод энергия қуйидаги кўринишга эга

$$E_G(\beta, m, h_x^{\pi}) = a^{\pi} E_{TI}(\beta, m, h_*^1) + (1 - a^{\pi}) E_{TI}(\beta, m, h_*^2).$$

Даврий чегаравий шартлар учун озод энергия мавжуд бўлмай қолиши мумкинлиги исботланди.

Кучсиз даврий чегаравий шартлар учун озод энергия қуйидагича бўлади:

$$E_{WP}(\beta, q, h_x) = \frac{1}{2(k+1)} \left(E_{TI}(\beta, q-1, h_1) + kE_{TI}(\beta, q-1, h_2) + kE_{TI}(\beta, q-1, h_3) + \right.$$

$$\left. + E_{TI}(\beta, q-1, h_4) \right).$$

Диссертациянинг «**Кучсиз даврий асосий ҳолатлар**» деб аталувчи тўртинчи бобида Кэли дарахтида индекси икки ва тўрт бўлган нормал бўлувчиларга нисбатан рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг модели ва рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Поттс модели учун кучсиз даврий асосий ҳолатлар таснифланган.

Тўртинчи бобнинг биринчи параграфида таърифлар ва зарур фактлар берилган. Бу бобнинг иккинчи параграфида рақобатлашувчи ўзаро таъсирли Изинг модели учун кучсиз даврий асосий ҳолатлар таснифланган.

$G_k / G_k^* = \{H_1, H_2, \dots, H_r\} -$ фактор-группа бўлсин, бу ерда G_k^*- индекси $r \geq 1$ бўлган нормал бўлувчи.

